



O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 17-aprel. Seshanba • 48 (31.480) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

2012 йил — Мустақкам оила йили

ОИЛА МУСТАҚКАМЛИГИ ВА ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

«SOS — Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмасининг пойтахтимиздаги филиалида «Оила мустақкамлиги ва фарзандлар камоли» мавзuidaги навбатдаги лойиҳасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Ҳамкорлик ва институционал ривожланиш дастури (IBPP) доирасида Европа иттифоқи томонидан молияланаётган бу лойиҳа кам таъминланган оилалар ҳамда болаларнинг ижтимоий-иқтисодий мақоми охириги, шунингдек, аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатадиган давлат ва нодавлат ташкилотлар салоҳиятини мустақкамлашга қаратилган.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар, имконияти чекланганлар ва муайян сабаблар туфайли ота-онасиз вояга етмаган болаларни манзилли қўллаб-қувватлашга қаратилган, кучли ижтимоий сийёсат амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 декабрда қабул қилинган қарорига мувофиқ «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмасининг ташкил этилгани болаликдан етим қолган ва ота-она қаровидан маҳрум бўлиш хавфи бор болалар учун муносиб турмуш шaroитлари яратиш имконини бераётди.

«SOS — Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмаси ўз олдига қўйётган вазифа — болалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг оилада тарбия олиш ҳуқуқини амалга ошириш, эртанги кунга бўлган ишончини, мустақкамлиги ва ўзини намоён қилиш туйғусини шакллантириш, уларнинг орзу-умидларини рўйбга чиқариш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имконият яратишдан иборат.

Мазкур лойиҳанинг расмий очилиш маросимида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари, лойиҳанинг бошқа ҳамкорлари қатнашди.

«SOS — Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмасининг директори Г.Обидова, Ўзбекистон нодавлат тошхона ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов ва бошқалар Мустақкам оила йилида оила институтини мустақкамлаш, соғлом, баркамол ёш авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шaroитларни яратишга эътибор янада кучайтирилганини таъкидлади. Мазкур лойиҳа ҳам шундай вазифаларни ҳал этишга ёрдам беради.

«Оила мустақкамлиги ва фарзандлар камоли» лойиҳаси пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги тўртта маҳаллада икки йил давомида амалга оширилди, — дейди «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмасининг Оилаларни мустақкамлаш дастури менежери Нигора Сангинова. — Бунда камидан 100 нафар катта ёшлар ва 350 нафар болани қамраб олиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, лойиҳа доирасида «SOS — Ўзбекистон Болалар маҳалласи» уюшмасининг Тошкентдаги филиалида ахборот-ресурс марказини ташкил этиш режалаштирилган. Унда оилаларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилади. Лойиҳа синаб кўрилатган маҳаллаларнинг бирида оилаларга маслаҳатлар берилади, улар ишга joyлаштириш масаласи бўйича ўз билимини оширади.

Сардор ТОЖИБЕВ,
ЎЗА мухбири.

Давра суҳбати

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан шу мавзуда Давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, Тошкент Ирригация ва Мелиорация институти (ТИМИ) профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этиди.

Давра суҳбатини ЎзХДП МК раиси ўринбосари Ш.Абдуллаева олиб борди.



Муродбек ЗИЕ олган сурат.

демократик гоёларни ёшлар онгига чуқур синдириш орқали уларнинг ижтимоий-сийсий ислохотларга қизиқшини ошириш ва бу жараёнда фаол иштирок этишини таъминлашга эришиш лозим. Бунинг учун партия кенгаши билан бирга тарғибот-ташвиқот ишларини кўпайтириш, уларни юқори савияда ташкил этишга ҳаракат қилаёмиз. Масалан, иштирокчиларни қизиқтириш учун турли интерфаол усуллар, билимдонлар машқи каби беллашувлардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бу ёшларда сийсий ислохотлар моҳияти, қабул қилинаётган қонунларга қизиқши ортишига хизмат қилади. Шу боис, жорий йилда Концепция тарғиботига бағишланган ана шундай тадбирларни чекка худудларда кўпроқ ташкил этишни режалаштирдик.

Баҳодир МИРЗАЕВ,
ТИМИ сув ҳўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш факультети декани, техника фанлари номзоди, доцент:

— Ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — қонун устуворлиги, таъсирчан ҳокимият ва очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш, ривожланган демократик мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, тараққиётнинг янги босқичини бошлаб берган Концепцияни ёшлар орасида кенг тарғиб этишга, билдирилган тақлиф ва вазибаларни бажаришда улар иштирокини кенгайтиришга ҳаракат қилаёмиз. Жумладан, «Ўзбекистонда демократик салоҳияти ва тафаккурини оширишга эътибор қаратмай туриб, олдимизда турган вазибаларни бажариш қийин. Шўхрат ТУРСУНБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:
— Концепцияда акс этган

КОНЦЕПЦИЯНИ ЁШЛАР ОРАСИДА ТАРҒИБ ЭТИШ

уларнинг ижтимоий-сийсий фаоллиги ошишига хизмат қилади

Концепцияда белгиланган вазибалар, унда билдирилган тақлиф ва тавсиялардан келиб чиқиб амалга ошириладиган ислохотлар мамлакатимиз тараққиётини янада юксалтириш ҳамда унинг халқро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаш учун мустақкам замин яратмоқда. Бу эса бевосита ёшларнинг узоқ муддатли манфаатларига тўла мос келади. Шундай экан, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда йигит-қизларнинг амалий иштироки муҳим аҳамиятга эга, дея таъкидланди давра суҳбатида.

Абдуманнон РАҲИМОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:
— Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтган йили Концепция гоёлари асосида қатор қонунлар лойиҳалари

устида иш олиб борилди. Хусусан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96, 98-моддаларига)»ги, «Рақобат тўғрисида»ги, «Кредит ахбороти

алиминини тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Айни пайтда Концепция гоёларини амалга оширишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини мукаммаллаштириш бўйича муҳокама давом этмоқда. «Давлат бошқаруви органлари фаолиятини очиклиги тўғрисида»ги, «ОАВ фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳалари шулар жумласидандир.

Албатта, Концепцияда тақлиф этилган қонун лойиҳаларининг барчаси юрт фаровонлиги ва кишилар манфаатини ифода этгани билан қиммат-

лидир. Уларни ижро этиш эса ўз-ўзидан бўлмайд. Бунинг учун ҳар биримиз Концепция асосида яратиладиган қонуний меъёрларнинг мазмун-моҳияти, ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тўғрисида кенг тушунчага эга бўлишимиз керак. Айниқса, ёш авлоднинг сийсий-ҳуқуқий билими, интеллектуал салоҳияти ва тафаккурини оширишга эътибор қаратмай туриб, олдимизда турган вазибаларни бажариш қийин.

Шўхрат ТУРСУНБОВЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси:
— Концепцияда акс этган

(Давоми 2-бетда.)

Таълим — тараққиёт гарови

«ЮКСАК ЭЪТИРОФ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ»

Ўзбекистоннинг таълим соҳасидаги миллий моделини бугун дунёнинг етакчи экспертлари, таниқли фан арбоблари эътироф этишмоқда, ибрат сифатида кўрсатишмоқда. Бу — бежиз эмас, албатта. Чунки ҳар қандай давлатнинг тараққиёт даражаси таълим соҳасига қаратилган эътибор билан белгиланади. Шу маънода, жорий йилнинг февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эътириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзuidaги халқаро конференция ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу конференцияда иштирок этган дунёнинг кўплаб таниқли мутахассислари мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг самарасига юксак баҳо беришди. Ўзбекистон тажрибаси бугун хорижий давлатларда ҳам қизиқиб билан ўрганилмоқда.

Бу ҳолис эътирофлар ўз навбатида барчамизга, айниқса, таълим соҳаси вакиллари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Халқаро конференцияда билдирилган фикр-мулоҳазалар, анжуман якунида қабул қилинган Резолюциядаги тавсиялардан келиб чиқиб, ютуқларимиз асоси, бу борада олдимизда турган янги вазибалар нималардан иборатлигини чуқур англаб олишимиз зарур.

Таҳририятимизда бўлган «Давра суҳбати» ана шу масалаларга бағишланди.

→ 3

Спорт

Кеча профессионал муайтай бўйича пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида «Буюк ипак йўли» соврини учун ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон спортчилари барча учрашувларда ишончли ва ёрқин ғалабаларга эришдилар.

ИШОНЧЛИ ВА ЁРҚИН ҒАЛАБАЛАР

Халқаро ҳаваскорлар ва профессионал муайтай федерацияси (IFMA), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати Республика маркази, Ўзбекистон ҳаваскорлар ва профессионал муайтай ассоциацияси ҳамкорлигида уюштирилган нуфузли мусобақада мамлакатимизнинг етакчи спортчиларидан бири Фирдавс Холмуродов (63,5 кг) китъаларо чемпионлик камарини ўзида сақлаб қолиш учун рингга чиқди. Беш раунддан иборат бўлган мазкур учрашувда Фирдавс Холмуродов литвалик Евгений Кауниетис устидан ғалаба қозониши учун атиги икки ярим дақиқа кифоя қилди. Ҳамюртимиз рақибини нокаутга учратди.

Шунингдек, шу кун мухлислар яна тўртта вазн тоифасида профессионал рейтинг жанглариининг ҳам бевосита гувоҳи бўлишди. Уларнинг барчасида ўзбекистонлик муайтайчилар ишончли ғалабаларга эришдилар. Жумладан, Шўхратбек Бо-



тиров (54 кг) россиялик Евгений Макин, Азиз Назаров (67 кг) таиландлик Чангуак Ситтермубдан очколар ҳисобида устун келди. Саидхамд Орипов (73 кг) малайзиялик Чи Жан Кай, Юсуф Ибрагимов (91 кг) бразилиялик Марсел Тенориога қарши рингга кўтарилди. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам вакилларимиз рақибларини нокаут билан мағлубиятга учратди.

⇒ 4

Муносабат

«АНГРЕН» МИЗ: БУНЁДКОРЛИК

партияимиз фаоллари ва депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди

2012 йил 13 апрель куни эълон қилинган «Ангрен» маҳсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисидаги Фармони партияимизнинг Ангрен шаҳар фаоллари катта қизиқиб ва мамуният билан кутиб олди. Чунки бу тарихий ҳужжат нафақат шахрнинг иқтисодий-иқтисодий жадал суръатларда ривожлантириш, балки унинг замонавий инфратузилмага эга янги қиёфа касб этиши, кўлаб янги иш ўринлари очилиши ва аҳоли турмуш даражаси ошишига хизмат қилади.

Мазкур Фармоннинг яна бир аҳамиятли томони — транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал тараққиёт топтириш ҳамда самарали фойдаланишга кенг йўл очилади. «Ангрен» логистика маркази салоҳиятини, юқори автомобиль ва контейнерларда ташиб борасида яратилган тизимни янада тақомиллаштириш ҳамда улардан кенг қўламада фойдаланишга мустақкам замин ҳозирлайди.

Ўтган йили «Ангрен» логистика маркази ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Камчик довои орқали 4 миллион 200 миң тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилган эди. Демак, «Ангрен» маҳсус индустриал зонасининг барпо этилиши яқин йиллар ичида бу кўрсаткич бир неча баробар ортишига имкон беради.

Бугунги кунда Ангрен шаҳрида 900 дан ортиқ корхона, хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолият юритмоқда. Фармонга мувофиқ корхоналарга «Ангрен» МИЗ қатнашчиси макомини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш белгиланган. Бу эса уларга қатор имтиёз ва афзалликлар яратди.

Бир сўз билан айтганда, Фармон нафақат Ангрен, балки минтақа тараққиётини янги босқичга кўтаришда яна бир муҳим қадам бўлди. «Ангрен» МИЗ фаолиятини самарали ташкил этиш партияимиз фаоллари ва депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Хусусан, ушбу масала бўйича қабул қилинадиган қарорлар ижросини таъминлашда депутатлик ва жамоатчилик назорати ўрнатил, бу борада аниқ чоратadbирлар дастури ишлаб чиқиш олдимизда турган асосий вазибалардан бири ҳисобланади.

Баҳтиёр ЮЛДАШЕВ,
ЎзХДП Ангрен шаҳар кенгаши раиси,
шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари.

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 17 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Евро	2430,23	1 Дания кронаси	324,32	1 Хитой юани	293,51	1 Туркия лираси	1029,16
1 АҚШ доллари	1853,01	1 БАА дирҳами	504,55	1 Украина гривнаси	232,06	1 Швейцария франки	2006,94
1 Россия рубли	62,88	1 Миср фунти	306,99	1 Малайзия ринггити	603,59	10 Жанубий Корея воени	16,28
1 Австралия доллари	1911,01	1 Исландия кронаси	14,50	1 Польша злотийси	576,79	10 Япония иенаси	229,13
1 Англия фунт стерлинги	2932,02	1 Канада доллари	1853,38	1 СДР	2859,19		

* Валюта қийматиини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш, айна пайтда, хизмат кўрсатиш тури кўпайиб бормоқда. Бу — қувонарли, албатта. Шу билан бирга, мазкур жараёнда инсон ҳаёти ва соғлиги муҳофаза этилиши, мол-мулк хавфсизлиги таъминланиши зарур. «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун ушбу мақсадга хизмат қилади, ишлаб чиқариш жараёни, иш ва хизматлар, шунингдек, маҳсулотларга талаб ўрнатиш ва уларни қўллаш тизимини белгилаб беради.



Алишер СОДИКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси.

давлат томонидан таъминланади. Таъкидлаш лозимки, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш зарур. Бунинг учун олий ўқув муассасаларидаги «Метрология, стандартиштириш ва сертифицилаштириш» кафедраларининг моддий-техника базасини тубдан яхшилаш ҳамда замонавий ускуналар билан таъминлаш лозим. Афсуски, бу борада ҳам муаммолар оз эмас.

Қонун ижросини ўрганиш ва таҳлил этиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш билан бирга, ишлаб чиқаришдаги техник регламентларнинг хавфсизлик кўрсаткичларини муайян халқаро меъёрларга (Европа директивалари, МДХ техник регламентлари ёки халқаро божхона келишувларига) уйғунлаштириш бўйича аниқ ҳулосалар қабул қилиш зарур. Шунингдек, эксперт комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш, техник регламентларнинг илмий асосини ишлаб чиқиш бўйича давлат грантлари ажратиш, бу борада таклифлар киритишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун ижроси таъминланиши инсон саломатлиги ҳимояси, унинг қонуний манфаатлари муҳофаза қилиниши билан боғлиқ. Бунга бефарқ қараб бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, кўмита йиғилиши якунида Қонун ижроси бўйича ҳамкорлини кучайтириш, айна пайтда, бу борада жамоатчилик назоратини изчил йўлга қўйиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Яқинда Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси йиғилишида Қонун ижроси юзасидан «Ўз-стандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси, Давлат табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ҳамда бошқа мутасадди идораларнинг ахборотлари тингланди. Маълум бўлишича, «Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун ижроси бўйича ўтган даврда муайян ишлар қилинган. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Унга кўра, мутасадди вазирлик ва идоралар зиммасига аниқ вазифалар юклаган, хусусан, меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

10 та махсус регламент ишлаб чиқилиши керак. Аммо ҳисоботларни тинглаш вақтида бу борада айрим муаммолар борлиги маълум бўлди. Хусусан, Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ҳамда Давлат табиати муҳофаза қилиш кўмитаси техник регламентларни ишлаб чиқиш дастурлари лойиҳалари ва умумий техник регламентларни тасдиқлаш юзасидан «Ўзстандарт» агентлигига Дастур тасдиқлашига қадар таклифлар киритмаган. Умуман, бундай таклифлар ишлаб чиқилмаган. 2010-2011 йилларда 8 та умумий ва 3 та махсус техник регламент ишлаб чиқилиши лозим эди. Бироқ 2012 йил 1 март ҳолатига кўра 3 та махсус техник регламент ишлаб чиқилган ва тасдиқланган, холос. 1 та умумий регламент тасдиқлаш учун Ҳукуматга тақдим этилган, 3 та регламент матнлари келишув учун тегишли вазирлик ва идораларга берилган, 2 та регламент ишлаб чиқилмоқда. Қонуннинг 24-моддасига кўра, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишларни молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетни маблағ-

КОНЦЕПЦИЯНИ ЁШЛАР ОРАСИДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ

уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилади

Шунингдек, бу ҳуқуқий ҳужжат ҳақида ёшлар тушуңчасини янада бойитиш мақсадида депутатлар билан изчил ҳамкорлик ўрнатдик. Масалан, ўтган йили Концепцияни ҳаётга татбиқ этишда ёшларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш учун қатор анжуманлар, давра суҳбатлари ташкил этдик. Қонунчилик палатаси депутатлари иштирокида ўтказилган бундай тадбирлар ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Жамшид ХАСАНОВ, ТИМИ СУВ Хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш факультети талабаси: — Ёшларнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлаш учун, аввало, уларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти юқори бўлиши керак. Шундангина йигит-қизлар юртимизда кечаётган ўзгаришлар, дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга теран нигоҳ билан қарайди. Бугунги тадбир айнан шу мақсадда ташкил

этилгани билан қимматлидир. Биз ёшлар Концепция мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, қонунчилик соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олдик. Ёшлар орасида бу каби тадбирларни кўпроқ ўтказиш, уларни таъсирчан олиб бориш керак, деб ўйлайман. Айтилган фикр ва мулоҳазалар бизни янада фаолликка, ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёниқ иштирок этишга ундайди.

Шаҳноза ЮСУПОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши катта хизмати катта референти.

ЎзХДП: маҳаллий кенгашиларда



ВАЗИФАЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

амалий ҳаракат ва изланиш шунга яраша бўлиши лозим

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг 2012 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш борасидаги вазифалар ҳамда бу жараёнда партия ташкилотлари иштироки белгилаб олинди. — Ўтган йили депутатлик гуруҳимиз аъзолари аҳоли бандлигини таъминлаш ва бошқа ижтимоий масалалар бўйича ижро ҳокимияти идораларига 31 та депутатлик сўрови юборди. Уларнинг аксарияти ижтимоий бандлик, коммунал хизматлар сифати билан боғлиқ. Шунингдек, «Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Оқдарё ва Каттақўرғон туманларидаги ижроси масаласи вилоят кенгаши сессиясига олиб чиқилди. Бундан ташқари, ўтказилган 5 та сессия кун тартибига киритилган масалаларни ўрганиш ва тайёрлашда депутатларимиз фаол иштирок этди, — дейди вилоят кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фармон Тошев. — Партияимиз дастуридан келиб чиқиб, партия ташкилотлари билан ҳамкорликда қатор қорхона ва ташкилотларда электроратнинг сиёсий ва ҳуқуқий биланбаранди оширишга бағишланган ўқув-семинарлар ташкил қилинган. Шунингдек, партия кенгашиларнинг депутатлар билан ишлаш усулини ҳам мунтазам равишда такомиллаштириб бориш керак.

Пленумда партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, шунингдек, электрорат вакиллари дуч келаётган муаммолар бўйича атрофликча фикр-мулоҳазалар билдирилди. Асосий эътибор ижтимоий ҳимоя масаласига қаратилди. Мамлакатимизда кам таъминланган оилаларнинг 16 ёшга бўлган фарзандлари, кам таъминланганлар учун нафақалар жорий этилган. Бироқ улар қилмагач ва қандай тартибда берилаётган? Депутатлар ўз сайлов округларида шу масалага алоҳида аҳамият беришлари, ижтимоий ёрдамга йўналтирилган маблағларнинг тўғри сарфланишини назорат қилишлари зарур. — Жойларда муаммо бор экан, уни партия ташаббуси билан бартараф этсак, аҳолининг бизга бўлган ишончи ортди, — дейди вилоят партия кенгаши раиси Камолбой Исобеков. — Ўтган йили электрорат манфаатлари ифода этилган қатор ташаббус депутатлик гуруҳлари томонидан туман Кенгашилари сессиялари муҳокамасига олиб чиқилди. Уларда аҳолини, айниқса, касб-хунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаш, касаначиларнинг кенг жорий этишга уруғ берилди. Партияимизнинг Ҳаракат дастури ижроси бўйича Пахтачи, Булунғур, Ишти-

хон ва Ургут туман кенгашилари яқин ишлар қилди. Аммо Самарқанд шаҳри, Жомбой туманларида бу борада ташаббус еттишмади. Биз барча туманлар партия Кенгашилари фаолиятини кучайтирмадан туриб, мақсадга эриша олмаймиз. Ҳаракат дастурининг жорий йилдаги чора-тадбирлар режасига кўра, вилоят партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Жумладан, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, истеъмол бозорини маҳаллий товарлар билан тўлдириб бораётганини эътироф этди ва инсоний қадриятларга эга ижтимоий бозор шаклланиши тарафдори бўлди. ЎзХДПнинг бу йўналишдаги гоялари унинг дастурида, шунингдек, Сайловолди дастуридаги ўз ифодасини топди. ЎзХДП бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини иш билан таъминлаш — аҳоли ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамлашда муҳим омили, деб ҳисоблайди. Ҳўш, бу иш ўринлари иқтисодиётнинг қайси тармоғида ташкил этилади, бунга қандай эришилади? Кўп маблағ талаб этмайди, бозор иқтисодиёти эҳтиёжларига тез мослаша оладиган, айна пайтда, халқимизнинг азалдан шаклланган тажрибасига мос кичик ишлаб чиқариш субъектларини ташкил этиш, бу борадаги ташаббусларни рағбатлантириш лозим. Мамлакатимиз иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш етакчи

Ўрин тутди. Жаҳон бозорига унга талаб катта. Аммо уларни муносиват нархда, сифатли маҳсулот сифатида сотиш учун кичик қайта ишлаш қорхоналарини кўпроқ ташкил этиш керак. Бу, бугун халқаро молиявий-иқтисодий инқироз шароитида тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган ишсизлик муаммосини ҳал этишнинг, мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини юқори ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлашнинг самарали омилидир. Бундан ташқари, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатбардор маҳсулотлар билан бойитиш, аҳолини хориқ қўбилантиришга мос, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлар билан таъминлашда бу долзарб аҳамиятга эга. ЎзХДП ўз дастури асосидаги фаолиятини шу масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқда ва бу мамлакатимизда хар томонлама самарали ижтимоий ҳимоя тизимини шаклланиши учун гоят муҳим, деб билади. Аммо ЎзХДПнинг узоқ истиқболга мўлжалланган дастурий мақсадини ЎзЛиДеП бир ёқлама талқин қилишга уриниб келмоқда. ЎзЛиДеП наشري «XXI ASR» газетасининг шу йил 1 март сониде эълон қилинган «Муҳолифлик чегараси қаерда?» сарлавҳали мақоладаги фикрлар бунинг тасдиғидир. Унга кўра, давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилган бир пайтда ЎзХДПга гўё ҳеч қандай иш қолмаган-у, шу сабабдан у тадбиркорликка уруғ бераётган ва ўз гоясида собит тура олмаётган... (?!). Либераллар фикрича, ижтимоий ҳимоя бу фақат давлат ажратаётган ижтимоий нафақаларнинг одилона сарфланиши, холос. Бундай қарашни биз бир томонлама, деб ҳисоблаймиз ва у бозор иқтисодиётининг мазмун-моҳиятига мутлақо тўғри келмайди. ЎзХДП давлат бюджетидан молиялаштирилган ижтимоий нафақа олувчилар сони кўпайишининг тарафдори эмас. Бунинг учун ишсиз, лекин меҳнатга лойиқлик қилиши мумкин бўлган кишиларни иш билан таъминлаш, улар иқтисодиёт ривожига иштирок этиши учун шарт-шароит яратилиши зарур. ЎзХДП фикрича, кўлидан иш келадиган фуқаро доимий ишга жалб этилиши, ўзи ва оиласи фаровонлигини ошириш им-

Электрон тўлов ва электрон тижорат

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси Марказий банк, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунларни такомиллаштириш: амалиёт, муаммо ва ечим» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

ҚОНУНЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАФИШЛАНДИ

Унда асосий эътибор юртимизда электрон тўлов ва электрон тижорат тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асосини такомиллаштириш, хусусан, коммунал ва бошқа тўловларни Интернет тизими орқали тўлашнинг сифати ва хавфсизлигини ошириш, бу борада амалий таклифлар ишлаб чиқишга қаратилди. Давра суҳбатида депутатлар, мутасадди вазирлик, банк ва молия муассасалари мутахассислари, ахборот технологиялари соҳасидаги қорхона ва ташкилот вакиллари мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари имкониятидан кенг фойдаланиш истеъмолчилар билан ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги алоқани янги босқичга олиб чиқади. Шу боис, тадбирда электр энергияси, табиий газ, сув ва бошқа коммунал хизматлар кўрсатишда автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш, тўловлар ҳисобини юритиш ва электрон тўловларни мукамаллаштириш бўйича таклифлар айтилди. — Электрон тўлов ва электрон тижорат ривожига аввало тегишли қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Холиқова. — Бу борадаги муносабатлар «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ва

«Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунлар орқали тартибга солинади. Таҳлиллар кўрсатишича, мазкур қонунларга қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурати тугилган. Хусусан, мазкур қонунларда электрон тўлов ва электрон тижоратга оид тушунчаларга аниқ ҳуқуқий таъриф берилмаган, таклиф қилувчи ва истеъмолчи муносабатлари тизимга солинмаган. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонун 14 моддадан иборат бўлса-да, унда 18 та ҳавола меъёр бор. «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунда эса улар 20 дан ортиқ. Бу — Қонунлар ижросига салбий таъсир этади, электрон тўлов ва электрон тижорат ривожига тўсик бўлади. Шу боис қонунларни мукамаллаштириш жараёнида мавжуд нуқсонларни бартараф этиш, бунда халқаро илғор тажрибани ҳисобга олиш лозим. Давра суҳбатида электрон тўлов ва электрон тижорат ривожига таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам атрофликча таҳлил қилинди. Ютуқлар билан бирга, замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш, улардан оқилона фойдаланишда камчиликлар борлиги айтилди. Уларни бартараф қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. (Ўз муҳбиримиз).

Партияларо баҳс

КУЧЛИ ИЖТМОИЙ ҲИМОЯ

аҳолининг ижтимоий фаоллигини чеклаш дегани эмас. ЎзЛиДеПнинг бу борадаги бир ёқлама қарashi қачон ўзгаради?

Юртимизда ижтимоий-сиёсий ислохотлар янги босқичга кўтарилди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган муҳим гоялар илгари сурилди. Шундан келиб чиқиб, давлат бошқарувини демократлаштириш бўйича халқаро тажрибага мувофиқ тарзда Конституциямизга ижро ҳокимияти фаолияти устидан назоратни кучайтиришга хизмат қиладиган тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди. Жамиятда демократик таъминлар устувор бўлиши учун бу гоятда муҳим, албатта.

кониға эга бўлиши лозим. Бу — ижтимоий ҳимоянинг энг тўғри ва самарали йўлидир. Шу орқали ишга лаёқатли кишилар аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган, шунингдек, ёшга доир, ногиронлик нафақаларининг истеъмолчисига айланб қолмайди. Аксинча, ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан ўтказилаётган иқтисодий форумлар доирасида касаначиликни ривожлантириш, ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган оилаларга ёрдам қўрсатиш орқали электрон таъминларни иш билан таъминланади, айна чоғда улар бюджет даромадларини кўпайтиришга ҳам ҳисса қўшади. ЎзЛиДеП негатори ЎзХДПнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширишга қаратилган фаолиятини қабул қила олмаётган. Бунинг сабаби мазкур партия ижтимоий ҳимоя тушунчасига нисбатан ҳамон нотўғри қарашда экани билан изоҳланади. ЎзХДП интилаётган ижтимоий ҳимоя тизимини бозор иқтисодиётини инкор этмайди. Аксинча, бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналтирилганлиги кучли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантиришнинг муҳим омилдир. ЎзЛиДеП ёндашувига кўра, кучли ижтимоий сиёсат бу фақат ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат бўлиб қолмоқда. «XXI ASR» газетасининг 8 ва 15 март сонларида чоп этилган «Кўппартиявийлик тамойили» деб номланган мақолада бунга қайта-қайта уруғ берилди. Аслида эса ЎзХДП ишга лаёқатли кишиларни ҳам бюджет маблағларидан ижтимоий ҳимоя қилиш тизимига боғлаб қўйишга қарши ва ЎзХДП уларнинг мустаҳкам ижтимоий ҳимоясини иш билан бандлигини таъминлашда, деб билади. Бу унинг жойлардаги фаолиятида ҳам ўз ифодасини топаётган. ЎзХДПнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида бу борада ҳудудлар бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинган. Унда аҳолини иш билан таъминлаш, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли маҳсулотлар билан бойитиш, аҳоли ташаббусларини рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Бу партия интилаётган кучли ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш билан бевосита боғлиқдир. ЎзЛиДеПнинг ижтимоий ҳимоя тушунчасига нисбатан бир ёқлама қараш ўзгармаса, бу унинг ЎзХДП билан амалий баҳсга киришишга, муҳим ижтимоий масалалар ечимини бўйича изчил муҳокама юритишига имкон бермайди, деб ўйлаймиз. Тўқтин ТўРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«ЮКСАК ЭЪТИРОФ — УЛКАН МАСЪУЛИЯТ ЮКЛАЙДИ»



Кадам ЖУМАНИЁЕВОВ

Мухаммад-али САИДОВ

Гулум САИДОВ

Малика МАКСУДБЕКОВА

Абдурашид ХАСАНОВ

Кадам ЖУМАНИЁЕВОВ, *Тошкент тўқимачилик институти ректори, техника фанлари доктори, профессор:* — Мен халқро конференция пайтида Жанубий Кореядан келган Джонгу университетидеги президенти Ли Бо Енгга ҳамроҳлик қилдим. У юртимизда, жумладан, институтида яратилган шарт-шароитлар билан танишаркан, бу ислохотлар ёшларни инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ихтирочилик ва рационализиаторликни рағбатлантириш, шунингдек, бу борада нодавлат ташкилотлар билан ижтимоий шериклик ҳамда мустақкам ҳамкорлик олиб бориш орқали диверсификация жараёнилари замон талабларига ҳамоҳанг тарзда ривожланиётганини алоҳида таъкидлади.

Тўри, жаҳон ҳамжамияти томонидан билдирилётган бундай эътирофлардан ҳар биримиз қувонамиз, гурурланамиз, албатта. Лекин шу билан бирга, бу зиммага улкан масъулият юклашнинг ҳам унутмаслигимиз лозим.

Мухаммад-али САИДОВ, *иктисод фанлари доктори, профессор:*

— Халқро анжуман иштирокчилари, Москва давлат университети ректори, академик Виктор Садовничий билан бўлган ўзаро суҳбатимизда, у юртимизда таълим соҳасидаги янгиланишлар сурияга таълим чукр танишаркан, ҳайратини яширолмади. «Мен дунёнинг қўлбар илгор давлатларидаги таълим тизими билан танишман, — деди у. — Бирок мамлакатимиздаги таълим тизимини бошқа жойда учратиб мушкул. Агар тарихга назар ташлайдиган бўлсак, турли даврларда турлича давлатчилик бошқаруви бўлганини кўраемиз. Лекин уллардан жуда озчилиги давлатчилик бошқаруви билан бирга, илму маърифат, таълим соҳаларида жиддий эътибор қаратилган. Бундай давлатчилик инсоният тарихида муҳим аҳамият касб этиб, дунё тамаддунига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Мустақилликнинг илк даврларида Президентнинг миллий давлатчилик асосларини тузиш баробарида, ижтимоий соҳага алоҳида, жумладан, таълим йўналишига устувор вазифа сифатида эътибор қаратди. Давлатнинг раҳбари томонидан бевосита яратилган таълим соҳасидаги ноёб тизимнинг асосий жозибадорлиги шундаки, Ислон Каримов ўз гоёсининг мевасини ҳозирдан қўрмоқда. Бугунги ёшларнинг юксак иқтидори, илм-салоҳияти, спортда ва халқро фан олимпиадаларидаги муваффақиятлари фикрнинг ибодитидир. Бу эса, ўта муҳим!»

— Дарвоқе, россиялик олим Тошкентдаги анжуманининг эртасигаёқ, Россиянинг «Вести» телеканалига интервью берди. У ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилётган илчил янгиланишлар суръатига юксак баҳо бераркан, бу таълим модели ўзининг яхлитлиги, бугунги ҳаётнинг барча нозик жараёнларини ўз ичига қамраб олгани, ҳар тарафлама пухта ишлангани билан ажралай туришини ҳамда бундай моделга ҳозир айнан Россияда ҳам эътибор сезилаётганини қайд этди.

М.САИДОВ: — Ҳа, шундай. Бундан ташқари, мазкур конференцияда мамлакатимиз таълим тизими фидойилари — кадрли устозларимизнинг фаолияти, ўз касбига бўлган садоқати, устоз-шо-

гирд аъналарининг муносиб давом этирилатгани ҳам кенг эътироф этилди. Жумладан, Жанубий Россия давлат иқтисодиёт ва сервис университети ректори, профессор Николай Прокопенко ёшларимизнинг юқори билим ва салоҳиятини эътироф этиб, «Баркамол ва истеъдодли ёшларни тарбиялаб, етиштираётган ўзбекистон ўқитувчилари ва мураббийларига таъзим қилганимизга, дея таъкидлади. Россиянинг П.Ф. Лесгафт номидаги Жисмоний тарбия, спорт ва соғлиқни сақлаш миллий университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор В.А.Таймазов эса, «Ўзбекистон таълим тизимининг ҳар бир босқичига нисбатан тизимли ёндашув бизни қўйиб қолдирди. Айнан таълим босқичларини ўрта мактаб, академик лицей ёки мутахассисликларга ихтисослашган коллежлар сифатида ташкил этилиши, бизнинг назаримизда, келгусида жамиятни ривожланиш иқтибобини белгилаб беради», дея эътироф этди.

Бу муваффақиятлар гарови, албатта, таълим тизимини ривожлантиришнинг «ўзбек модели» ва унинг амалиётга татбиқ этилишидаги қатъий саъй-ҳаракатлар туфайли экани халқро экспертлар томонидан бот-бот қайд этилди. Шу ўринда, Россия Федерацияси Логистика бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси, академик Леонид Борисович Миротиннинг «Ислон Каримов Ўзбекистонда таълимни, тараққиёт даврини белгилаб берган шахс» деган хақли эътирофини ҳам келтириб ўтмоқчиман.

Гулум САИДОВ, *Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтоҳур академик лицей директори ўринбосари:*

— Агар бундай дўпplingни бошдан олиб қарайдиган бўлсак, ўта қисқа давр ичида бу борада юртимизда улкан бунёдкорликлар амалга оширилди ва уллар ҳозирданқўз меваларини бермоқда. Рост-да, дастлаб республикамизнинг турли гушларидида қурила бошлаган коллеж-лицейларни кўриб, ҳозирги ўтиш даврида шунча сарф-харажатлар шартмикин, деб ўйлаганлар ҳам бўлди. Мана, бугун таълим соҳасидаги миллий моделимиз самараларини ҳоржиклар нуктаи назаридан ҳам қараб, бу масалага давлатимиз томонидан ўз вақтида қанчалик оқилона, узокни қўлаб ёндашилганининг гувоҳи бўлаёмиз.

Мустақиллигимизнинг илк пайтида, юртимизда бозор муносабатларига ўтиш даврида Ватани ва халқига садоқат билан хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган билимли, мустақил фикрлайдиган, ёш, маҳаллий кадрларга эътибор сезилди. Мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-хунар ўргатиш соҳаларини тубдан ислох қилишга киришилди ва шу мақсадда, юртимизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» қисқа вақт ичида ўзининг амалий самараларини бера бошлади. Юртимизда замонавий жиҳоз-ускуналар билан таъминланган, янги қиёфадаги юзлаб, минглаб мактаблар барпо этилди, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қад кўтарди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ана шундай янгиланишларнинг илк мевасидир. 2001 йилда лицейга ташриф буюрган М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети ректори В.Садовничий замонавий типдаги академик лицейни, унда таълим-тарбия олаётган ўғил-қизларнинг кўзларидаги келажакка бўлган ишончини кўриб, ҳайратда қолгани ҳудди кечанидек ёдимизда.

Мана, бугун академик лицейни тугатган минглаб йигит-қизлар дунё ва республикамизнинг энг нуфузли олий ўқув даргоҳларида таълим олишмоқда. Яна шунини икки бир гурур ва ифтихор билан айтишим мумкинки, биргина

лицейимизда шу давр мобайнида 10 нафар ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони, бир нафар Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреати етишиб чиққан.

Малика МАКСУДБЕКОВА, *Халқ таълими вазирлиги тасарруфидидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби директори:*

— Очиғи, мен шу соҳа ходими бўлиб, таълим йўналишида амалга оширилётган ислохотлар мазмун-моҳиятини эндиликда яна ҳам танаққул англаб етмоқдаман. Айниқса, конференцияга қўшни Тожикистон Республикасида ташриф буюрган Душанбе шаҳридаги 15-мактаб директори, қўл йиллик таърибига эга педагог Матлоба Тошевнинг самимий сўзларидан қаттиқ таъсирландим. Ҳамкасбим қисқа вақт мобайнида эришган ютуқларимизни кўриб, жуда тўлқинландим. Меҳмонимиз мактабимизда яратилган шарт-шароитлар — ўқув лаборатория жиҳозлари, ахборот технологияларидан тортиб, спорт залларигача, овқатланиш жойларидан тортиб, ўқувчиларнинг мактаб кийимигача, барча-барчасини диққат билан кузатаркан, унинг эътироси сўзларга қўнди:

«Юртимизда таълим соҳасида йўлга қўйилган (9+3) ўзбек модели илмий натижалор бербётгани, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг келажак авлод учун барча шароитларни яратилишига алоҳида эътибор қаратгани натижасидир, — деди у. — Таълимнинг узлуқсизлигини таъминлаган ҳолда ёшларни ҳам ўқитиш, ҳам келажакда бирор касб эгаси бўлишига йўналтирилган ислохотлар, албатта юқори натижалор беришига қаттиқ ишонаман.»

— Маълумки, Иттифоқ парчалангач, барча республикалар учун бир хил — давр талабига жавоб берилаётган, эски техника ва ўқув куроллари билан жиҳозланган таълим соҳаси мерос қолган эди. Албатта, бошқалар қатори, бизнинг олдимизда ҳам миллий таълим пойдеворини яратилган долзарб масала кўндаланг турарди. Биз ўзинизга хос ва мос йўлни таллади. Мана, орадан йигирма йил ўтиб, дунё ҳамжамияти томонидан таълим соҳасидаги миллий моделимиз эътироф этилмоқда, ибрат сифатида кўрсатишмоқда. Ўз-ўзидан савол туғилди: бундай муваффақиятларимизнинг асл илдири қаерда?

Абдурашид ХАСАНОВ, *Навоий давлат кончилиқ институтининг Олмалиқ филиали директори, техника фанлари доктори, профессор:*

— Эътиборларингизни миллий давлатчилигимиз асослари кўртак ёзаётган 1989-90 йилларга қаратмоқчиман. Ушанда Ўзбекистон раҳбарияти миллий давлатчилик асосларини барпо этиш билан бирга, мамлакат интеллектуал салоҳиятини кескин даражада кўтартиш учун зарур чораларни кўрган эди. Иқтидорли ёшлар учун Абу Райхон Беруний, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек номидаги давлат, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси жорий этилиши, шунингдек, жаҳоннинг илгор давлатларига таъриб намойён этишимиз лозим. Бунда юқоридаги халқро конференция яқини бўйича қабул қилинган Резолюциядаги тавсиялар биз учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир гап. Мазкур анжуманда Осие тараққиёт банки президенти жаноҳ Харухико Куроданинг шахсан иштироки ҳамда Ўзбекистонда бугунги кунда инсон омилига қўйилаётган сармоянинг нечоғли истикболли экани, тараққиётнинг барқарор таъминлинишига қаролат яратилганини эътироф этганилиги барчамизни қувонтирди. Мазкур банк томонидан юртимиз тараққиётига яна 508 млн. АҚШ доллар миқдорига таъриб намойён сармоя сарфлангани, келгусида режалаштирилаётган ислохотлар амалга оширилишини қафолатлайди.

Қ.ЖУМАНИЁЕВОВ: — Шу маънода, «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустақкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш

лари каби йирик соноат мажмуалари учун малакали маҳаллий ишчи-ҳодимлар шу тариқа тайёрланади.

Шу ўринда айтишим жоиз, юртимизда кон-металлургия соҳасига оид бўлган етук мутахассисларни етказиб бериш, тайёрлаш мақсадида 1995 йил ягона Навоий давлат кончилиқ институтининг ташкил топганилиги — Ўзбекистонда истикболли конларнинг очилиши ва келажак билан чамбарчас боғлиқдир.

М.МАКСУДБЕКОВА: — Шу ўринда, Болалар спортини ривожлантириш бўйича Жамағарма фаолияти ҳам таълим соҳасининг узвий давомий сифатида қанчалар аҳамиятли эканини бир мисол орқали айтмоқчиман. Ҳар кун мактабда дарслар тугагандан сўнг ўқувчиларим билан хайрлашарканман, аксариятининг шундоқ ёнгинамизда, авваллари ташландик бўлган жой ўрнига замонавий тарзда қад кўтарган сув ҳавзаси иншооти биноси томон шошилганларини кўриб ҳавас қиламан. Уғлим ҳам шу сув ҳавзасига қатнайдим. Мен авваламбор онаман, фарзандимнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол бўлиб вояга етаётганини кўриб қувонаман. Айтнинг, қайси ота-она ўз боласининг бахтли келажакни кўришини истамайди, дейсиз. Шу боис мактабимиз ўқувчилари орасида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ҳамда фан олимпиадалари республика босқичларида қатнашиб, совринли ўринни қўлга киритганлари қўлаб топилиши, бежиз эмас.

Қ.ЖУМАНИЁЕВОВ: — Қайси соҳада бўлишидан қатъий назар, қўзда тутилган марралар, орзу-ниятларнинг рўёбга чиқиши учун унинг ҳуқуқий асослари яратилган бўлиши лозим. Шу боис ёшларимизнинг сифати таълим олишларида оид ҳуқуқлари, аввало, Конституцияимизнинг 41-моддасида «Ҳар қили билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан қафолатланади», дея мустақкамлаб қўйилган. Умуман, диёримизда таълим соҳасини йўқсимма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ислох қилиш бўйича узокни қўзлаган дастурларнинг илчил амалга оширилиши муваффақиятларимизга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

— Бугун мамлакатимизда таълим соҳасида эришилган ютуқлар, ўз навбатида, зиммаимизга улкан масъулият ҳам юклайди. Шу маънода, бу борада яна нималарга эътибор қаратишимиз керак бўлади?

М.САИДОВ: — Албатта, таълим тизими тараққиёти, ўз навбатида, барча бўғинлардаги устоз-мураббийлар зиммасига қатта масъулият юклайди. Мамлакатимиз таълим тизими тараққиёти билимга асосланган иқтисодиёт. «Билим — бугун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун» концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг жорий этиш бора-сидаги Ўзбекистон таърибнамаси халқро миқёсда янада кенгроқ намойён этишимиз лозим. Бунда юқоридаги халқро конференция яқини бўйича қабул қилинган Резолюциядаги тавсиялар биз учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Яна бир гап. Мазкур анжуманда Осие тараққиёт банки президенти жаноҳ Харухико Куроданинг шахсан иштироки ҳамда Ўзбекистонда бугунги кунда инсон омилига қўйилаётган сармоянинг нечоғли истикболли экани, тараққиётнинг барқарор таъминлинишига қаролат яратилганини эътироф этганилиги барчамизни қувонтирди. Мазкур банк томонидан юртимиз тараққиётига яна 508 млн. АҚШ доллар миқдорига таъриб намойён сармоя сарфлангани, келгусида режалаштирилаётган ислохотлар амалга оширилишини қафолатлайди.

Қ.ЖУМАНИЁЕВОВ: — Шу маънода, «Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустақкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш

бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор муҳим аҳамиятга эга. Бу қарор олий таълим муассасаларини модернизациялаш, улларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илгор педагогик технологиялар, ўқитиш шаклларини жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни қучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш мақсадларини қамраб олган. Ҳусусан, бу қарорга кўра, биргина институтиимиз 4 та ўқув биноси, 2 та талабалар турар-жойида таъмирлаш ишлари бажарилади, 8 та ўқув лабораториялари янгидан ташкил этилади.

Шунингдек, мазкур қарорга кўра, институтиимизда Ўзбекистон Фанлар академияси иштирокида илм-фан, техника ва технологияларнинг энг истикболли йўналишлари бўйича илмий ўқув-лаборатория комплекслари ташкил этилмоқда. Ўқув-илмий комплексни ташкил этишдан мақсад — олий таълим ва фан интеграциясини кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда академик илм кадрлари салоҳиятидан фойдаланиш, самарадорлигини ривожлантириш, улларни институтининг ўқув жараёнидаги иштирокчи таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этишдир.

Демак, бу қарор ижросини амалга оширишда корпоратив инновацион ҳамкорликни янада ривожлантириш зарур. Бу ҳамкорлик доирасида олий таълим ва фан интеграциясини кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлашда академик илм кадрлари салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ривожлантириш, улларни институтининг ўқув жараёнидаги иштирокчи таъминлаш, иқтидорли ёшларни илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятга кенг жалб этиш лозим. Чунки, XXI аср — глобаллашув, ахборот-муноқиқа технологиялари ва интернет даври, тобора қучайиб бораётган рақобат асри. Биз бугун нанотехнологиялар даврида яшаймиз. Инновацион жамият, хоҳайимизми-йўқми, инсон ўз ақл-тафаккурини мунтазам чархлаб боришини тақозо этади.

А.ХАСАНОВ: — Ҳа, дунё ривожланмоқда, агар орқада қолишни хоҳламасак, мавжуд салоҳиятимизни тўла ишга солишимиз лозим. Бу борада бир қатор афзалликларимиз мавжуд. Демокриманки, азалдан бизда фундаментал, аниқ фанлар тараққиёт этиб келган, бу йўналишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур. Шу ўринда, Президентимиз маълумотида, яъни Ўзбекистон Миллий университети ва Фанлар академияси томонидан Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти — Кембриж университети билан ҳамкорлик жорий йилда Юксак технологиялар ўқув-таъриб марказини ташкил этилиши айни муддао бўлади. Бу ёш, иқтидорли олимларимизнинг фаннинг фундаментал соҳаларида амалий инновацион илмий тадқиқотлар олиб боришини ҳамда илмий ишланмаларни замонавий методлар асосида реал ҳаётга кенг ва изчил татбиқ этиш имкониятини беради.

Шуни мамнуят билан айтишим керакики, талабаларимиз орасида хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, эъҳни ва ақл-тафаккур юқори бўлган ёшларимиз таллайгина. Улар бугунги кунда иқтисодиётимизнинг етакчи соноат тармоқлари учун бўлажак малакали ходим сифатида ўз илмий-амалий билимларини бойитишмоқда, илмий асосланган таълимни тақдирлар устида ишлашмоқда.

Ф.САИДОВ: — Шу ўринда бир қўшимча қиламан. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепциясидаги устувор йўналишларга диққат билан рағм солсак, энг замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқариш орқали жаҳон бозорига кириб бориш режалаштирилган. Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг жаҳон бозорига рақобатдошлиги, нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлиги, балки замонавий, мунтазам янгиланган таърибнинг технологияларни ўзлаштиришга қодир юксак билим ва интизомли, ватанпарвар кадрларни мунтазам тайёрлашга боғлиқдир.

Демак, жаҳоннинг мавжуд илгор технологиясини мукаммал ўрганиб, янги кашфиётлар орқали тақомиллашган рақобат шароитида ҳаракат қилиб, миллий манфаатларимиздан келиб чиққан ҳолда, агар шундай таъриблаш жоиз бўлса, «ишлаб чиқариш — илм — кашфиёт» занжирини изчил амалга ошириш зарурияти туғилмоқда.

Давра суҳбатини Обиддин МАХМУДОВ олиб борди.



Хориж

ТЕЖАМКОР САМОЛЁТ

Ҳиндистонда 90 нафар йўловчига мўлжалланган, авиаёқилгини кам сарфлайдиган ва ҳавога зарарли газларни кам чиқарадиган «NCA-90» самолёти ишлаб чиқарилади.



Мамлакат Илм-фан ва соноат тадқиқотлари бўйича кенгаши раҳбари Судип Кумарнинг айтишича, ушбу ҳаво транспорти соҳага оид энг замонавий электрон техника ва технологиялар билан жиҳозланади.

Хабарларга қараганда, ушбу самолётни лойиҳалаштириш ва қуриш учун 871 миллион АҚШ доллари, уни ялпи ишлаб чиқариш учун эса 640 миллион доллар миқдорига маблағ сарфланади.

ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИ КЕНГАЯДИ

Ҳитой ҳукумати мамлакатдаги темир йўллар узунлигини яна ўттиз минг километрга узайтириш ниятида.



Мамлакат Темир йўллари вазирлигининг маълумотларига кўра, мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 700 миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда маблағ сарфланиши режалаштирилмоқда.

Хабарларга қараганда, айни вақтда мамлакатдаги жами темир йўллар узунлиги қарийб тўқсон минг километрни ташкил этади.

ВЕЛОСИПЕД ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИГА АЙЛНАДИ

АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида велосипед жамоат транспортига айланади, деб хабар беради РТА-ТАСС.



Янги ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, йўлларда қўшимча велосипед йўлакларни барпо этилиши, махсус светофорлар ўрнатилиши, велосипедларни ижарага бериш билан шуғулланидиган тўрт юзта пункт очилиши, шунингдек, турли бекатлар атрофида уллар учун тўхташ жойлари қурилиши режалаштирилган. Шаҳар мэри Антонио Вилларайоснинг сўзларига кўра, ушбу лойиҳа ҳавога чиқарилаётган зарарли газлар миқдорини ҳамда йўллардаги тирбандликни анча камайтиради. Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, Лос-Анжелес дунёда автомобиль ҳаракати энг серқатнов шаҳар ҳисобланади.

АҚЛ ЁШДА ЭМАС...

Буюк британиялик Хайди Хэнкинс исмли қизалоқ дунёдаги интеллектуал салоҳияти энг юқори кишилар ташкилотига аъзо бўлди.



Махсус тестдан 159 балл олган тўрт ёшли Хайди ўзининг юксак қобилияти билан олимларни ҳайратга солди. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, бундай тешларни топширган қатта одамларда ўртача кўрсаткич 100 балли, ўта иқтидорли инсонларда 130 балли ташкил қилади.

«Телеграф» нашрининг ёзишича, арифметикани ҳеч бир қийинчиликсиз ҳисоблай оладиган, геометрик фигураларни чиқишни, ўқини ва ёзишни ўзидан 6-7 яшар катталарга ўргата оладиган Хайдининг ота-онаси фарзандидаги бу қобилиятни икки ёшлигида сезган.

ҚУЁШ НУРИ — ТАБИАТ ИНЪОМИ

Саудия Арабистонида дунёдаги энг йирик қуёш станцияси ишга тушди. Қуёш нури ёрдамида электр энергиясини тўловчи панеллар 36 минг квадрат метр ҳаудани эгаллаган.

Замонавий технологиялар асосида бунёд этилган ушбу станция кум довулларида муофазга этувчи тизим билан таъминланган. Компания вақилининг айтишича, таълим олимлари амалга ошириш учун 4,7 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ сарфланган. Саудия Арабистони яқин ўн йил ичида қуёш нуридан электр энергия экспорт қилувчи энг илгор давлатлар қаторида жой олмоқчи.

ЎЗА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

